



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG‘OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021 -yil 9 - aprel

676u -son

Bog‘ot shaharchasi

2021 йилда “Обод қишлоқ” дастурига киритилган Богот тумани “Обод” маҳалласи ҳудудида жойлашган 17-сонли мактаб биносини таъмирлашга рухсат бериш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5048-сонли фармони асосан 2021 йилги “Обод қишлоқ” дастури доирасида янгидан қуриладиган, реконструкция қилинадиган ва мукамал таъмирланадиган соғлиқни сақлаш, умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари, маданият марказлари ҳамда ичимлик ва оқава сув тармоқлари объектларига ўрнатилган тартибда меъморий режалаштириш топшириғи (МРТ-1 ва МРТ-2) ҳужжатларини тайёрлаб бериш бўйича Хоразм вилояти ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясининг 2021 йил 09-апрелдаги 08/509-сонли сўровномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 25-моддасига асосланиб:

**Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н:**

1. 2021 йилда “Обод қишлоқ” дастурига киритилган Богот тумани “Обод” маҳалласи ҳудудида жойлашган 17-сонли мактаб биносини таъмирлашга рухсат қилинсин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан белгиланган муддатда “Меъморий режалаштириш топшириғи”ни (МРТ-І, ІІ) тайёрлаб бериш ва қурилиш ишларини тасдиқланган лойиха ҳужжатлари асосида бажарилишини назорат қилиш вазифаси туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбонов)га топширилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Қуръязов зиммасига юклатилсин.

Богот тумани ҳокими

Ш.Яхшибаев